# АГРАР СИЁСАТНИ ҚАЙТА ҚУРИШ — ПАРТИЯНИНГ РЕВОЛЮЦИОН СТРАТЕГИЯСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, деди пировардида нотиқ, жуда тез оборот ва самара беради. Бинобарин у халқ хўжалигимизнинг иқтисодий структурасида ўзига муносиб устун ўринни эгаллаши лозим.

Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Н. А. Назарбоев** минбарга чиқади. У республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан М. С. Горбачев докладининг қоидаларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлади.

Қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши Қозоғистоннинг мамлакатдаги йирик қишлоқ хўжалик регионларидан бири бўлиб қолишига имкон берганини яхши биламиз, деди нотиқ. Аммо бунда Қозоғистоннинг ер бойлигидан интенсив, оқилона фойдаланиш учун ҳамма иш қилиндими ва қилинмоқдами, деган энг муҳим масала юзага келади. Турмуш кўп нарса қилинмаганидан далолат бериб турибди.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарликнинг ўн йиллар мобайнида таркиб топган услуби аччиқ истеҳзогина эмас, балки ачиниш ва ғазабланишга ҳам сабаб бўлмоқда. Ҳатто ҳозир ҳам аввалгидек мамлакат Давлат агросаноат комитетининг аппаратидагилар нимани, қачон ва қанча экиш, ҳатто қандай маҳсулот етиштириш кераклиги тўғрисида ҳамон буйруқ бериб туришибди. Ўтган йил қабул қилинган қарор 1989 — 1990 йилларга мўлжалланган барча ҳажмларни қатъий белгилаб қўйди. Айтингчи, ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва корхона тўғрисидаги Қонун амал қилаётган шароитда бундай қарорни қандай қилиб бажариш мумкин?

Нотиқ қишлоқ экономикасини соғломлаштириш, социал ва маданий-маиший муаммоларни ҳал этиш учун республикада кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида сўзлаб берди. Шу беш йилликнинг уч йили ичида агросаноат комплексидаги бир қанча номутаносибликларни бартараф этишга, ем-хашак етиштиришни деярли учдан бир ҳисса оширишга, картошка, мева ва сабзавот омборлари қурилишини уч баравар кўпайтиришга муваффақ бўлинди. Чорвачиликда жамоат секторининг шахсий томорқалар билан интеграцияси мустаҳкамланмоқда. Бунда чорва ва паррандаларни кўпайтиришда қишлоқ хонадонларига устунлик берилмоқда.

Бу резерв аҳолида гўшт ва сут тайёрлашни бир ярим баравар кўпайтириш имконини берди. Аҳоли ҳозирдаёқ кўпгина маҳсулотлар, кооператив гўшт, колбаса маҳсулотлари билан таъминлаш чиндан ҳам яхшиланганини ҳис этди.

Меҳнатни ташкил этишнинг пудрат, кооператив, ижара шакллари қишлоқ аҳлининг ер ва фермадан узоқлашувини бартараф этишнинг бош омили бўлиб қолмоқда. Бироқ ижара тўғрисидаги қонунгина эмас, шу билан бирга уни рўёбга чиқаришнинг илмий ечими ҳам керак. Бунда район ижроия комитетларига колхозлар ва давлат корхоналари оқилона фойдаланмаётган ерларни ижарачиларга, кооператор, шахсий деҳқон хўжаликларига топшириш ҳуқуқини бериш керак.

Республика кичик фермерлик механизациясига, эҳтиёт қисмларга эҳтиёж сезмоқда, деди нотиқ. Янги техникани сотиб олишга қараганда мавжуд техникани тиклаш ижарачига иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Биринчи навбатда қишлоқни эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни улгуржи савдога ўтказиш керак. Планлаштиришга ҳам янгича, революцион ёндашувлар зарур.

Нотиқ давлат буюртмаси ихтиёрий асосда бўлиши тўғрисидаги, қурғоқчилик йилларда харид нархларини ошириш учун махсус резерв фондини тузиш ҳақидаги, умуман нарх белгилашни ислоҳ қилиш тўғрисидаги масалаларни ўртага қўйди, экология ҳамда қишлоқни социал-маданий жиҳатдан янгилаш муаммоларини тилга олди.

Уч йилдан бери областда агросаноат комплекси фаолиятини яхшилаш методлари ва формаларини қидириб топиш, текшириш ва амалда рўёбга чиқариш соҳасида иш олиб борилмоқда, деди Тула область партия комитетининг биринчи секретари **Ю. И. Литвинцев.** Қишлоқ экономикасининг моддий ишлаб чиқариш негизларини ривожлантириш, қишлоқни социал қайта қуриш комплекс программалари рўёбга чиқарилмоқда. Аммо ана шу ўткир муаммоларни ҳал этишга таъсир кўрсатишнинг реал омиллари, афсуски шу пайтгача ишлаб чиқилмаган.

Қишлоқни қайта қуриш ва бу ишни комплекс амалга ошириш кераклиги тўғрисидаги фикрга ҳамма қўшилади, аммо қишлоқда пудрат асосидаги қурилиш планларини қолдиқ принципига мувофиқ тузиш эса ҳамон давом этмоқда. Областда СССР шимолий ва ғарбий районларида Қурилиш министрлиги асосий қурилиш ташкилотидир. Мазкур ташкилот беш йилликка мўлжаллаган қишлоқ қурилиши ҳажми Ноқоратупроқ зонага оид қарорга мувофиқ кейинги икки йил ичида камайтирилди. Янги тузилажак планларни ҳам амалга ошириш қийин бўлса керак деган, ташвиш туғилмоқда.

Ҳозирги пайтда кўпчилик қишлоққа қарзни тўлаш тўғрисида гапирмоқда. Бу мужмал гап бўлиб, унга аниқлик киритиш талаб қилинади. Қишлоққа биринчи навбатда қурилиш пудратининг зарур ҳиссасини бериш керак, деб ҳисоблайман. Шунда гарантияланган ресурслар ҳам рўёбга чиқади. Пудратга давлат буюртмасини планлаштириш чоғида қишлоқ қурилиши устунлиги ҳақида сиёсий ҳужжатларимизда принципиал ёзувлар киритилишини таклиф этаман, токи инвестиция жараёнларини тузишда иштирок этувчиларнинг бирортаси ҳам бу принципни буза олмасин.

Сўнгра нотиқ тармоқ ходимларининг хўжалик мустақиллигини кенгайтириш зарурлиги тўғрисида гапирди. Шу муносабат билан ижара ва кооперациялаш катта имкониятлар очиб беради. Буни «Зибино» совхози мисолида яққол кўриш мумкин. Ўтган йили «Зибино» совхози методи асосида 12 та хўжалик тузилди, бу йил эса 90 та хўжалик ишламоқда.

Ҳозир коллектив хўжаликлар ўзини оқламади, айни пайтда қишлоқдаги оғир аҳволнинг сабабчисидир, деган гаплар тез-тез эшитилиб турибди.

Шарт-шароит бўлган жойда мустақил деҳқон хўжаликлари ривожланиши керак, албатта. Аммо бизнинг унча катта бўлмаган тажрибамиз ижара муносабатлари, чинакам хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган колхоз ва совхозлар — энг тўғри йўл эканлигига ишонч ҳосил қилади. Биз докладнинг мана шу принципиал хулосасини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Фақат иқтисодчи олимлар мана шу дастлабки тажрибани тезроқ таҳлил этишлари ҳамда совет ижара усулимизнинг зарур иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, социалистик мулкни рўёбга чиқаришнинг формаларини белгилаб беришлари зарур. Улар амалиёт изланишларини танқид қилиб ва рад этибгина қолмай, балки уни илмий асослаб бердилар.

**М. С. Горбачев.** Марказий Комитетда ишчилар билан учрашув чоғида бир бригадир: «Олимлар ижарани ривожлантиришимизга ёрдам берсинлар» деди. Биз Пленум қарорларини бажаришга киришар эканмиз, мана шу фикрни келажак учун шиор қилиб олишимиз лозим. Олимлар ижарани ва фақат ижаранигина эмас, шу билан бирга барча янги механизмларни ривожлантиришга, ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуришга ёрдам берсинлар. Илм-фаннинг ёрдами мана шу соҳада зарурдир. Ишчи буни тушуниб етди. Кўпгина ўртоқларимиз жуда танқидга берилиб кетишди. Ваҳолонки, ишлаш керак — вақт ўтиб бормоқда.

**Ю. И. Литвинцев.** Тўғри, Михаил Сергеевич. Областда хўжаликлар даражасида ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш билан бир қаторда район даражасида агрокомплексга раҳбарлик мукаммаллаштирилмоқда. Бу борада ихтиёрий асосда кооператив агросаноат бирлашмаларини ташкил этиш, шунингдек маҳсулотни қайта ишлайдиган ва хўжаликларга хизмат кўрсатадиган хўжаликлараро ишлаб чиқариш кооперативларини тузиш йўлидан борилмоқда. Бу, ўз навбатида, область даражасида ҳам бошқарувни қайта ташкил этишга олиб келди. Бундан бир ой илгари махсус юборилган вакилларнинг таъсис йиғилишида агросаноат комитети ўрнига қишлоқ хўжалик ходимларининг «Агропромсоюз» область уюшмаси ташкил этилди. Шу тариқа агрокомплексни бошқаришда давлат ва хўжалик функцияларини тақсимлаш ниҳоясига етказилди, у тўла демократиялаштирилди. Бу янгиликлар айниқса юқори доираларда тўғридан тўғри қаршиликка дуч келмоқда. Бугунги кунда янги формалар вужудга келаётган ишлаб чиқариш муносабатларини «рад этаётган» норматив ва кичик қонун актлари жуда катта қатламининг қаршилигига учрамоқда.

Пировардида нотиқ янгиликлар область қишлоқ меҳнаткашларига беш йилликнинг уч йили ичида меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш рентабеллилигини анча оширишга эришиш имконини берганлигини айтди.

Шу нарса мутлақо равшанки, деди СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси **В. С. Мураховский,** партиянинг аграр сиёсати социализмнинг олисни кўзловчи мақсадларига ҳамиша ҳам мос келган, деб бўлмайди, баъзан эса деҳқонлар манфаатларига зид бўлган. Пленум муҳокамасига қўйилган ҳужжатларда қишлоқда иқтисодий муносабатларни янгилаш, у ерда вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш, инвестиция структурасини ўзгартириш вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу ва бошқа тадбирлар XIII беш йиллик охиригача дон етиштиришни кўпайтириш ва мамлакатда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилишни 80 килограммга, сут истеъмол қилишни 400 килограммга етказиш имконини беради. Умуман озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни бир ярим баравар кўпайтириш лозим.

Бу тиғиз вазифалардир, деди нотиқ, уларни ҳал этиш учун ўзига хос тадбирларни амалга ошириш керак. Биз мулк формаларини рўёбга чиқаришга янгича ёндашувларни, кўп укладли социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрилигини принципиал жиҳатдан муҳим деб ҳисоблаймиз.

Айни вақтда, деди нотиқ, колхоз ва совхозлар агросаноат ишлаб чиқаришида асосий бўғин бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Афсуски, матбуот ҳам, иқтисодчилар ҳам, шу жумладан ВАСХНИЛнинг иқтисодчи академиклари ҳам бу масалани тушунишда кўпгина чалкашликларга йўл қўйдилар. Ижара муносабатлари, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг, ўзини ўзи бошқаришнинг кооператив формалари — ҳозирги хўжаликларнинг ижара коллективлари кооперативларига айланиш йўлидир, деб ўйлаймиз.

Ерни ижарага олиш ҳуқуқи эътироф этилиши қишлоқда мустақил деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради. Ана шу хўжаликлар учун ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун барча чеклашларни бекор қилиш, уларга жамоат сектори билан баравар иқтисодий шарт-шароит яратиш йўлидан дадил бориш зарур.

Нотиқ товар-пул муносабатларини янада такомиллаштириш, молия-кредит системасини, пул муомаласи мутаносиблигини мустаҳкамлаш масалаларига тўхталди. Хўжаликларнинг фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқарувчининг манфаатлари, шартнома муносабатлари ва бозор тобора асосий белгиловчи омил бўлиши лозим, деди у. Бу биз стихияни авж олдиряпмиз, деган маънони билдирадими? Йўқ. Давлат мана шу жараёнларга солиқларнинг ўзгарувчан системаси, инвестиция, кредит сиёсати ва бошқа омиллар орқали самарали таъсир кўрсатиши мумкин.

В. С. Мураховский планлаштириш ва нарх белгилаш масалаларига тўхталиб, хўжаликларнинг ишлаб чиқариш структурасини ўзлари белгилаш ҳуқуқини мустаҳкамлаб берадиган қоиданинг принципиал жиҳатдан муҳимлигини таъкидлади. Айни вақтда колхоз ва совхозларга ўз зиммаларига ихтиёрий равишда давлат буюртмасини қабул қилиш имконини бериш, ана шу буюртманинг бажарилишини моддий-техника ресурслари билан рағбатлантириш лозим. Нотиқ сўзга чиққан бошқа кишиларнинг фикрларига жавобан ўн учинчи беш йилликда дон, гўшт, сут ва бошқа айрим маҳсулотга давлат буюртмаси сақланиб қолиши зарурлигини айтди. Бизда озиқ-овқатбоп донга давлат талаби миқдоридагина буюртма берилмоқда.

**М. С. Горбачев.** Келинглар, ўртоқлар, биз «давлат манфаатлари» деган сўзни тилга олганимизда, кўпинча бу қандайдир бюрократия сифатида тушунилишини ўйлаб кўрайлик. Бу нотўғри. Айтайлик, пахта нима? Бу мамлакат бутун тўқимачилик саноатининг эҳтиёжидир. Бу миллион-миллион кишилар талаб-эҳтиёжларининг қондирилишидир. Давлат манфаатлари дегани — мана шу.

**В. С. Мураховский.** Шунинг учун давлат буюртмасини бажариш мажбурийдир. Хўжалик юритиш эркинлиги давлат буюртмаси бажарилиши учун жуда катта масъулият билан, интизом билан узвий боғланиши керак.

Нотиқ янги иқтисодий муносабатларни асослаб бериш, қишлоқни социал ривожлантириш масалаларига, агросаноат комплексида бошқарувни такомиллаштиришга доир тадбирларга тўхталди.

СССР соғлиқни сақлаш министри **Е. И. Чазов** соғлиқни тиклаш учун шаҳардан қишлоққа борилган вақтларни эслатиб ўтди. Ҳозир эса бунинг акси бўлмоқда. Биз агросаноат комплексида меҳнат ресурслари етишмаётгани тўғрисида гапиряпмиз, бу ерда эса ҳар куни бетоблиги сабабли 750 минг меҳнаткаш ишга чиқмаяпти.

Министр қишлоқда соғлиқни сақлаш моддий-техника базасининг аҳволига, медицина кадрларининг қўнимсизлигига, қишлоқдаги санитария-гигиена даражасининг пастлигига тўхталиб ўтди.

Биз қишлоқни газлаштириш, уни иссиқлик билан таъминлаш тўғрисида қарорлар қабул қиламиз, буни фақат табриклаш керак. Бироқ, келинг, аввал қишлоқ аҳолисига сифатли ичимлик сув берайлик. Чунки ҳозир қишлоқ аҳолисининг атиги 36 проценти марказлаштирилган усулда сув билан яхши таъминланган. Эндиликда республикалар сув таъминотини яхшилаш борасида кўраётган дастлабки чора-тадбирлар кейинги бир йил давомида ич терлама касаллигининг 10 процент ва вирусли гепатитнинг 17 процент камайишига олиб келди.

Ана шу масалаларнинг кўпини ҳал этиш учун ўн миллиард сўмлаб маблағ керак эмас, эҳтимол, партия Марказий Комитетининг махсус қарори ҳам керак бўлмас. Партия, совет органлари, агросаноат комплексининг раҳбарлари бу масалаларга эътибор беришларининг ўзи кифоя қилади.

Қишлоқнинг социал муаммолари — унинг санитария-гигиена ҳолатидангина иборат эмас, албатта, деди нотиқ. Қишлоқда етишмаётган мактабгача тарбия муассасалари ҳам, ўз муаммолари кўп бўлган мактаблар ҳам шулар жумласига киради. Қишлоқ аҳолисини, айниқса, ташвишлантираётган энг муҳим нарса медицина ёрдамидаги камчиликлар, унинг даражаси шаҳарлардаги мавжуд даражадан орқада қолганлигидир. Биз район марказларида янги касалхоналарни шошилинч равишда барпо этишимиз, барча маблағларни, шу жумладан, колхоз ва совхозларнинг маблағларини жалб этиш эҳтимолини назарда тутиб, қишлоқларда врачлик амбулаторияларини қуришимиз керак. Бизга кўчма амбулаториялар, стоматология кабинетлари ва шу кабиларнинг лойиҳалари ҳамда уларни кўплаб ишлаб чиқариш керак. Бизга ҳамма жойларда юра оладиган етарли миқдордаги санитария автомобиллари керак; бизга колхоз ҳамда совхозларнинг соғлиқни сақлаш муассасалари билан янгича хўжалик ва молиявий ўзаро муносабатлари даркор. Ниҳоят, бизга қишлоқда медицина кадрларини муқимлаштириш борасидаги комплекс тадбирлар керак.

Кўпгина колхоз раислари шундай дейишади: «Медицина муассасалари билан ўзаро муносабатларимизда бизга имконият яратилишига ёрдам беринг. Колхозда молларни даволайдиган врачга яхши ишлагани учун мукофот тариқасида нима учун 9 тагача маошни бериш мумкин-у, колхозимиз аъзоларини яхши даволаётган врачни эса мукофотлашга ҳаққимиз йўқ? Нима учун биз гўшт-сут маҳсулотларини болалар медицина муассасаларига таннархида сотиб, ана шу сотилган маҳсулотни давлат харид планининг бажарилишига қўша олмаймиз? Ахир, ана шу муассасалар барибир давлатдан айни шу маҳсулотларни олади-ку». Ваҳолонки, гап энг асосий омил — одамлар тўғрисида боряпти.

М. С. Горбачев докладида, деб таъкидлади Чита область партия комитетининг биринчи секретари **Н. И. Мальков,** қишлоқларимизнинг машаққатли тарихи ва озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш йўллари тўла акс этди, ҳозирги шароитда партия аграр сиёсатининг масалалари юзасидан таклифлар илгари сурилди, бу таклифларни қишлоқ меҳнаткашлари, бутун халқимиз шубҳасиз қўллаб-қувватлайдилар.

Айни вақтда кўриб чиқишга тақдим этилган қарорларнинг лойиҳалари ҳозирча докладдаги хулосалар ва қоидаларга тўла жавоб бермайди.

Биринчиси, ер тўғрисидаги масала. Мамлакатда ҳам колхоз ва совхозлар тасарруфидаги, ҳам давлат фондидаги ерларни тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Иккинчиси, агросаноат комплекси социал-иқтисодий тараққиёти устунлиги масаласи. Ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш қурилиши учун харажатларни анча кўпайтириш керак. Забайкальеда бу масалалар ниҳоятда ўткир бўлиб турибди.

Учинчиси, колхоз ва совхозларнинг қарзлари тўғрисида. Колхоз ва совхозларнинг ссудалар бўйича қарзидан кечиб юбориш керак, деб ҳисоблайман. Бу адолатли бўлади. Шундай қилиб, қишлоққа қарздорликнинг бир қисми қопланади.

Тўртинчиси, ижара муносабатларини ривожлантириш тўғрисида. Докладда баён этилган хулосалар ва баҳоларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаб, яна бир карра шуни таъкидламоқчимизки, ижара муносабатларини куч билан жорий этишга йўл қўйиб бўлмайди. Одамларнинг ижарага муносабатига, ижарачиларнинг моддий-техника таъминоти аҳволига қараб баҳо берадиган бўлсак, қишлоқ ҳали кўп жиҳатдан ижарага тайёр эмас. Орқада қолмасликка интилиш ижара коллективларини расмиятчилик учун тузишга, ижара ғоясининг ўзини бадном этишга олиб келади.

Областимизнинг агросаноат комплексидаги вазият ҳақида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Кейинги йилларда Чита қишлоғини ривожлантириш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини бартараф этиш учун партия ташкилотлари, кадрлар ишини бирмунча кучайтиришга муваффақ бўлинди. Шу давр мобайнида йилига ўртача қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ўн биринчи беш йиллик даражасига нисбатан кўпайди, аммо озиқ-овқат таъминотида тубдан бурилиш бўлгани йўқ.

Узоқ вақтдан бери ҳал бўлмай келаётган масала, яъни майин жунли қўйчилик ҳақида гапириб ўтишни зарур деб ҳисоблаймиз. Қўйчилик область чорвачилигида қарийб 70 процент салмоққа эга. Шу тармоқни ривожлантириш учун областни Иттифоқ-республика фондига гўшт етказиб беришдан озод қилиш ёки жуда бўлмаганда буни анчага қисқартириш керак.

Шундан кейин нотиқ аграр сектор билан саноат ўртасидаги алмашинувнинг мутаносиблигини таъминлаш тўғрисида гапирди. Агар қишлоқ хўжалик маҳсулотига харид нархларини ошириш тўғрисидаги масала очиқ, ошкора ҳал этилган бўлса, техника, саноат ва қурилиш материаллари, хизмат кўрсатиш нархини анча ошириш тўғрисидаги қарорлар кўпинча хуфиёна қабул қилинди. Худди ана шу қарорлар қишлоққа ёрдам бериш тўғрисидаги эзгу ниятларни батамом йўққа чиқарди. Пленумимиз топшириғига кўра, иқтисодий ўзаро муносабатларнинг мутаносиблиги устидан назорат механизми ишлаб чиқилиши керак, ушбу механизм ана шу мувозанатнинг ҳар қандай тарзда бузилишини қатъият билан ишончли тарзда тартибга солиб туриши керак.

Ноқоратупроқ, Забайкалье районлари ва айрим бошқа районларнинг социал-иқтисодий тараққиёти орқада қолгани боисидан ушбу районлар устун даражада ривожлантирилиши керак, деб ҳисоблайман. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ишлаб чиқариш қувватларининг 60 процентини қишлоқ жойларда йўл қурилишига сафарбар этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди. Областимизда ана шу министрликнинг трестини тузиш зарур. СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги Забайкалье қишлоқларини электрлаштиришни жадаллаштириши лозим, деб ҳисоблайман. Ушбу министрликнинг иши, андиша билан айтганимизда, кишини таажжублантиради. Электрлаштириш планлари учун ресурслар ажратилмаяпти ва бу планлар бажарилмаяпти.

Шундан кейин сўз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Р. Н. Нишонов**га берилади. Иттифоқдош республикалар экономикаси ва социал соҳасига раҳбарликни қайта қуришнинг умумий принципларига асос бўлган ғояларни маъқуллар эканмиз, деб таъкидлади нотиқ, ҳар бир регион, ҳар бир республика, аввало, ўз резерв ва имкониятларини сафарбар этиш лозимлигини тушуниб турибмиз. Бу ўринда иқтисодий устунликларни, хўжалик мустақиллигининг маъноси ҳар бир регион ва республика ўзининг маъмурий ва территориал «хонадони»га ўралашиб қолаверади ва ҳатто шу «хонадони» эшигини тамбалаб ташлайди, деган маънони билдириши ёки билдирмаслигини аниқ-пухта белгилаб олиш жуда муҳимдир. Ана шундай уринишларга ҳатто йўл ҳам қўйиб бўлмайди, деб ўйлайман, бу жуда оғир оқибатларга олиб келган бўлур эди.

Шунга ишончим комилки, белгиланаётган ўзгаришларнинг чин маъноси ва мақсади ҳар бир республиканинг табиий-иқтисодий имкониятларидан ўз аҳолисининг эҳтиёжларини тўла қондириш учун ҳам, мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплексига қўшиладиган ҳиссани кўпайтириш учун ҳам имкони борича кўпроқ самара ва натижа олиб фойдаланишдан иборатдир.

Тақдим этилган ҳужжатлар лойиҳаларида таъкидланганидек, Ўзбекистон пахта етиштиришга ихтисослашувни сақлаб қолади. Аммо шуни таъкидлашни истар эдикки, пахта етиштиришга ихтисослаштиришнинг пахта монокультураси билан сира алоқаси йўқ.

Бир неча йиллар мобайнида пахта харидини барқарор этиб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу орада биз экинлар структурасини яхшилаймиз. Республикамизда етиштирилган хом ашёдан бошқа регионларда тайёрланган пировард маҳсулотга солинган оборот солиғининг бир қисмини республика бюджетига ўтказиш бу ўринда яхши иқтисодий омил бўлур эди. Хўжалик ҳисоби муносабатларини ва пахта, жун, пилла, каноп харид нархларининг бошқа вариантларини ҳам ишлаб чиқиш лозим, бундан мақсад ана шу маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишдан манфаатдорликни имкони борича кўпроқ ошириб боришдир. Шу билан бир қаторда пахта етиштириладиган ерларда уни қайта ишлашни жадаллаштириш керак, чунки бу ерларда катта меҳнат ресурслари бор. Ернинг мелиоратив ҳолатини зудлик билан яхшилаш зарур.

Агросаноат комплексини қолоқликдан чиқариш, деб таъкидлади нотиқ пировардида, аввало, бизнинг ташкилотчилик ва сиёсий ишларни билимдонлик ва ташаббускорлик билан олиб боришимизга боғлиқдир. Республиканинг партия, совет ва хўжалик органлари суғориладиган гектардан олинаётган самара камлиги, бу ҳозирча кадрларимиз янгича ишлашга суст тайёргарлик кўрганликлари, интенсив технологиялар секин жорий этилаётганлиги, селекция ва уруғчилик орқада қолаётганлиги, илғор тажрибани ёйишга ёмон эътибор берилаётганлигининг оқибати эканлигини тушуниб турибдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси **А. В. Власов** Россия Федерацияси агросаноат комплексидаги ишлар аҳволига баҳо берди. Республикада озиқ-овқат таъминоти масаласи мураккаб бўлиб турибди. Сўнгги саккиз йил ичида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 200 миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ сарфланди. Натижада ишлаб чиқариш фондлари 62 процент, ялпи маҳсулот фақат 19 процент ўсди.

Республикада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш йўллари қатъият билан қидирилмоқда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш структураси ўзгармоқда, хўжалик ҳисоби, кооператив ва ижара муносабатлари жорий этилмоқда.

Бу иш осонлик билан бўлаётгани йўқ. Бунга етарлича баҳо бермаслик ҳам, янгиликка қаршилик ҳам бор. Кўпинча ижарачиларга кам ҳосил ерлар, эски техника ажратиб берилмоқда, хизматнинг ҳар хил турлари учун ҳаддан зиёд юқори тўловлар белгиланмоқда.

Нотиқ якка тартибдаги хўжаликларни жадаллик билан ривожлантириш тўғрисидаги таклифни қизғин қўллаб-қувватлади. Республикада деҳқонларнинг шахсий хўжалиги эвазига гўшт, сут ва сабзавотнинг тўртдан бир қисми, мева ва резавор меванинг ярми, картошканинг 60 процентга яқини етиштирилмоқда. Аммо 14 миллион шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ярмидан кўпи қўлида ҳозир қорамол ва сигир йўқ, қарийб учдан икки қисми чўчқа ва қўй боқмаяпти, бунинг боиси, аввало шундаки, шу иш билан машғул бўлиш учун зарур шарт-шароит яратилмаган. Кичик механизация воситалари, мотоблоклар ва бошқа техника ишлаб чиқарадиган махсус саноат тармоғи яратиш учун катта тадбирлар кўриш керак.

Қишлоқнинг социал муаммолари алоҳида диққат-эътиборга моликдир. Сўнгги саккиз йил мобайнида Россия қишлоқларидан 4,5 миллион киши кетиб қолди, ҳар йили Россия харитасидан 3 мингга яқин қишлоқ аҳоли пунктларининг номи ўчади. Бу — ташвишли аломатдир. Ўтган йили касалхоналар, мактабгача тарбия муассасалари, клублар, маданият уйлари қуриш планлари бажарилмагани, социал вазифаларни ҳал этишда маҳкамачилик тўсиқлари олиб ташланмагани учун республика Министрлар Совети жавобгардир.

Нотиқ планлаштиришнинг янги принципларига ўтиш, экономика аграр секторида ишлаб чиқариш муносабатларини янада демократиялашни маъқуллаб гапирди. Шу муносабат билан у қуйидагиларни таъкидлади: давлат буюртмаси тазйиқ методларининг хуфёна шаклига айланиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Республикалар, ўлкалар ва областлар иштирокида ана шу масалаларни қўшимча тарзда кўриб чиқиш керак. Эҳтимол, давлат буюртмасини сўнгги беш йил ичида таркиб топган тайёрлов ўртача йиллик даражасининг 70-80 проценти миқдорида белгилаш, давлат ресурсларига қўшимча тарзда дон олиш учун дон етиштиришни рағбатлантириш тадбирларини ишлаб чиқиш маъқул бўлар.

Биз Озиқ-овқат программасини ҳал этиш учун Россия Федерацияси қўшадиган ҳисса хусусида ўз масъулиятимизни тушуниб турибмиз.

Ставрополь ўлка партия комитетининг биринчи секретари **И. С. Болдирев** колхоз ёки совхоз доирасида кооперация, ижара муносабатлари ва ана шундай муносабатларнинг бошқа формалари бир-бири билан уйғун бўлиб кетаётган хўжаликларда яхши натижаларга эришилаётганлигини таъкидлади. Қуйидагича ёндашув мақсадга мувофиқ бўлур эди: янги формаларни қидириш ва қарор топтиришда қуйи бўғинлар ташаббус кўрсатиши, марказнинг вазифаси эса истиқболли ташаббусларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши лозим.

Шошма-шошарлик, хомхатала қарорлар қабул қилиш Озиқ-овқат программасини амалга оширишга айниқса сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бунинг боиси шундаки, бошқарув аппарати қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгар эмас, иккинчи томондан эса деҳқонларнинг узоқ муддатга мўлжалланган манфаатларини ҳимоя қилиш учун етарлича ишончли механизм яратилмаган.

Колхоз ва совхозлар, хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишлашар экан, ишончсиз маҳсулот етказиб берувчилардан ҳимоянинг ана шундай механизми йўқлигини жуда ўткир сезиб турибдилар. Маҳсулотнинг тақдири бир неча соат ичида ҳал бўладиган қишлоқ хўжалигида электр энергия, газ, сув ва ёнилғи таъминотидаги узилишлар маҳсулотнинг катта қисми оёқости бўлишига олиб келмоқда, бу экономикага ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда, қишлоқ хўжалик корхоналарининг шериклар билан муносабатларига гражданлик қонунчилигининг умумий қоидасини ёйиш вақти келди, мазкур қонунчиликда зиённи тўла ундириб олиш, ундирганда ҳам фақат зиённи эмас, балки олинмай қолинган даромадни ҳам ундириб олиш назарда тутилган.

Шундан кейин нотиқ саноат маҳсулоти нархининг жадал ўсиб бораётгани қишлоқ экономикасини соғломлаштириш жараёнига путур етказаётганлигини айтди. Давлат айрим органларининг калтабин сиёсати оқибатида биз ҳар йили 1 миллион тоннагача юқори сифатли буғдойни чорва молларига беришга мажбурмиз. Наҳотки мамлакатга шу дон керак бўлмаса? Агар зарур бўлса, шундай механизм ишлаб чиқиш кераккӣ, ушбу механизм юқори сифатли донни хўжаликлар фойда кўриб сотиши учун рағбатлантирсин. Пландан ташқари харид учун техника ва материаллар сотиш практикаси бу ўринда муайян истиқбол очмоқда.

Колхоз ва совхозлар молиявий аҳволининг мустаҳкамланиши уларга ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида ишлаб топган маблағларини социал мақсадларга ажратиш имконини берди. Маблағ билан таъминлашнинг яна бир салмоқли манбаи бор — бу қишлоқ аҳолисининг шахсий жамғармаларидир. Қишлоқ меҳнаткашлари ўз пулларини уй-жой қурилиши, газ ва водопровод тармоқлари ётқизиш, йўллар қуришга бажонидил бермоқдалар. Қишлоқни социал жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш учун қўшимча моддий ресурслар топиш керак. Шу муносабат билан мамлакатнинг таъминот алоқаларини батафсил тафтиш этиш зарурати ўткир бўлиб қолди ҳамда буни ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги қонун ишлаб чиқилаётганида ҳуқуқий жиҳатдан эътиборга олиш керак.

Мелиорацияга сарфланаётган катта-катта маблағлар етарлича самара бермаётганлиги хусусидаги мамлакат жамоатчилиги ташвишига ставрополликлар ҳам шерикдирлар, деди нотиқ. Аммо бизнинг ўлкамизда экинзорларнинг 6 процентини эгаллаб турган суғориладиган ерлар ялпи деҳқончилик маҳсулотининг қарийб тўртдан бир қисмини бермоқда. Бу бизга мелиорацияни янада ривожлантириш масалаларини ўртага қўйиш ҳуқуқини беради.

Аммо сўнгги вақтда жамиятда мелиорацияга, энергетиканинг хилма-хил турларига, химия ишлаб чиқаришига нигилистик муносабатда бўлиш ортиб бормоқда. Экология ҳақида ўйлаш керак, ўйлаганда ҳам, асосли ўйлаш керак, албатта. Аммо биз тараққиётимизнинг истиқболларини назардан қочира олмаймиз ва назардан қочирмаслигимиз керак. Бу ўринда олимларнинг холисона ва чуқур тавсияномалари зарур.

Минбарга Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Қ. Маҳкамов** чиқади. М. С. Горбачев докладида баён этилган қоидалар ва хулосалар, деди у, пайсалга солмай зарур чоралар кўрилишини тақозо этади. Ҳужжатларнинг тайёрланган лойиҳалари мамлакат агросаноат комплексининг йирик масалаларини ҳал этишни қамраб олган ва биз бу ҳужжатларни қўллаб-қувватлаймиз.

Нотиқ Тожикистон учун принципиал аҳамиятга эга бўлган айрим масалаларга тўхталди. Республикада аҳоли жон бошига бор-йўғи 0,11 гектар суғориладиган ер тўғри келади, деди у. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги эса Орол муаммосини ўртага қўйиб, янги суғориладиган ерларни ишга солишни аслида тўхтатиб қўйди. Тўғри, Оролни қутқариб қолиш керак, аммо республикадаги 5 миллион аҳолининг озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун барча ишларни ҳам қилиш керак.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ва унинг лойиҳалаш ва илмий ташкилотлари кўп йиллардан буён сувни тежайдиган технологиялар яратиш, махсус техника ва ускуна тайёрлаш юзасидан иш олиб бормоқдалар. Хўш, қани ўша техника? Нега энди ҳеч ким ана шу техникани зарур миқдорда тайёрламаяпти?

Биз нам етарли бўлган лалмикор ерларда боғ ва узумзорлар бунёд этишни ўрганиб олдик. Аммо сабзавот, картошка, ем-хашак бизнинг шароитимизда асосан суғориладиган ерларда ўсади. Аҳволнинг бутун мураккаблигини тушуниб олиб, деб таъкидлади нотиқ, республикада ўтган йили маҳсулот бирлиги учун сув истеъмоли нормаси қисқартирилди ҳамда ҳисоб-китобдаги нормадан кўпроқ олинган сув учун ҳақ тўлаш жорий этилди. Айтиш кераккӣ, ижобий самара олинди. Бу йилдан бошлаб бутун республикада ана шу қоида жорий этилади.

Бундан ташқари, озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш учун республика агросаноат комплекси ишлаб чиқаришида айрим структура ўзгаришлари бўлиши лозим. Озиқ-овқат комплекси эҳтиёжлари учун илгари бўлганидек, ҳозир ҳам ер етишмаяпти. Айни вақтда пахтачилик ҳам оғир аҳволга тушиб қолди. Ҳозир пахта етиштираётган кишиларнинг иш ҳақи камая бошлади. Агар биз яқин бир-икки йил ичида бу муаммони ҳал этмасак, кўпчилик пахта етиштиришдан воз кечади.

Ўткир баҳс-мунозаралар бўлаётган жуда мураккаб масалалардан бири агросаноат комплексида ва уни бошқаришда иқтисодий муносабатларни қайта қуришдир. Бир мулоҳазани айтиб ўтишни истайман: агар хўжаликларнинг моддий-техника таъминоти масаласи ҳал этилмас экан, яна муваффақиятсизликка учраймиз.

Нотиқ агросаноат комплексидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш муаммоларига, экология масалаларига тўхталди, республика саноатини ривожлантиришга ёрдам бермайдиган мақолалар эълон қилаётган баъзи оммавий ахборот воситалари адресига танқидий фикр-мулоҳазалар билдирди.

Қўриқда 35-кўклам бошланди, деди Қозоғистондаги Омонгелди номли совхоз механизатори **Н. В. Геллерт.** Бу залга йиғилган кўп одамларнинг тақдири янги ерларни ўзлаштириш билан боғлангандир. Гарчи мавриди бўлмаса ҳам, юбилейлар даври ўтган бўлса ҳам, чўлқуварларни табриклагим келади. Қўриқ барҳаёт ва у нон бермоқда. Эндиликда юкнинг оғирини кўтариш чўлқуварларнинг иккинчи авлоди, яъни бизнинг зиммамизга тушмоқда.

80-йилларнинг бошларида бригада пудратини райком секретарларининг ёрдами билан жорий этиб, партизанларга ўхшаб ишлаган эдик. Ҳар бир мустақил қадамимизга тўсқинлик қилишга интилишарди. Иш шунга бориб етдики, 1985 йилда юқоридан буйруқ кутиб ўтирмай, ўримга чиққанимизда, бизга дон ортиш учун транспорт ҳам беришмади.

Қайта қуриш даври РАПОдаги раҳбарларнинг ўзгариши, ана шу идорадаги ҳаддан зиёд кўп бўлинмалардан устма-уст кўрсатмалар ва фармойишлар оқими билан бошланди.

(Давоми учинчи бетда).

